

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ
ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

256 **Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва ма-
териалларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйи-
лишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125*

(2010 йил 5 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 57-модда), 2008 йил 4 мартдаги 36-сон «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10-11-сон, 60-модда) қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Моно-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

полиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 182-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 11 майдаги 5-сонли «Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1369, 2004 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 24-сон, 280-модда);

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 26 январдаги 2-сон «Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1369-1, 2007 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 21-сон, 220-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

Ж. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 июнь,
4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Монополиядан чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитасининг
2010 йил 23 июндаги 4-сон қарорига
ИЛОВА

**Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва
материалларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйилишини
назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 54-модда), «Табий монополиялар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 212-модда) қонунларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 57-модда), 2008 йил 4 мартдаги 36-сон «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10-11-сон, 60-модда) қарорларига мувофиқ стратегик, монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа савдоларига қўйилиш жадвалларини, маҳсулотларнинг реализация қилиш ҳажмлари ва нархларини назорат ва мониторинг қилиш тартибни белгилайди.

2. Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорининг 1 ва 2-иловаларида келтирилган рўйхатларга асосан биржа ва ким ошди савдоларига қўйиладиган стратегик, монопол, хом ашё ва материаллар тоифасига киритилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сон «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан буюн матнда Қўмита деб юритилади) қарори билан аниқланадиган маҳсулотларни реализация қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

II. Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган маҳсулотларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйилиши, реализация қилиш ҳажмлари ва нархлари устидан назорат қилиш Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Назорат қилиш ташкилотлар ва биржа ва ким ошди савдолари ташкилотчиларининг маълумотларини ўрганиш йўли билан, шунингдек биржа ва ким ошди савдолари ўтказилиши устидан мониторингларни олиб бориш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Ташкилотлар мажбурий тартибда стратегик ва монопол маҳсулотларни, хом ашё ва материалларни тегишли моддий баланслар ва Қўмита қарори билан аниқланадиган ҳажмларда, шунингдек жадвалларда назарда тутилган муддатлар ва қўйидагилар бўлган ҳолда, бир маромда биржа ва ким ошди савдоларига қўядилар:

ойлар бўйича — маъданли ўғитлар, қора металллар прокати, кўмир, нефть маҳсулотлари, пахта линти, рангли металл учун;

ой ўн кунликлари бўйича — цемент учун;

биржа савдолари кунлари бўйича — ун, шакар, пахта ёғи, суюлтирилган газ, шифер, полиэтилен ва бошқа маҳсулотлар учун.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган жадваллар келгуси ой учун ташкилотлар томонидан Қўмитанинг қарори билан белгиланган ҳажмлар ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек, улар учун хўжалик бошқаруви органлари томонидан белгиланган, ушбу мақсадларга тегишли моддий балансларда назарда тутилган ҳажмлар асосида Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Қўмита билан келишилган ҳолда олдинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тегишли тақсимлаш билан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ташкилот стратегик ва монопол маҳсулотларни, хом ашё ва материалларни биржа савдоларига объектив ва ташкилотга боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қўйишни тасдиқланган жадвалларда назарда тутилган ҳажмлари ҳамда муддатларини бажаришнинг иложи бўлмаган ҳолларда бу ҳақда маҳсулотни биржа савдоларига қўйиш санасидан бир кун аввал Қўмита ёки унинг ҳудудий органларига хабар беради.

6. Ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари бундан мустасно, ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмай Қўмита ёки унинг ҳудудий органларига Қўмита қарори билан аниқланган тегишли моддий баланслар ва ҳажмларда, шунингдек, мазкур низомнинг 5-бандига мувофиқ тасдиқланган жадвалда назарда тутилган маҳсулотни биржа ва ким ошди савдоларига қўйишнинг амалда бажарилиши тўғрисида ахборотни тақдим қиладилар.

7. Биржа ва ким ошди савдоларининг ташкилотчилари ҳар куни Қўмитага маҳсулотни биржа ва ким ошди савдоларига қўйиш ҳамда улар орқали

сотиш тартибида назарда тутилган тегишли номенклатура бўйича биржа ва ким ошди савдоларига қўйилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек сотилган маҳсулот нархлари ва биржа ҳамда ким ошди савдоларида шаклланган нархларнинг ўртача котировкалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар.

III. Маҳсулотларни биржа ва ким ошди савдоларига қўйиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик

8. Мазкур Низом бузилганда, шу жумладан жадвалларда белгиланган ҳажм ва муддатларда стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар қўйилмаганлиги биржада нархлар ошишига олиб келганда, шунингдек белгиланган ҳажм ва муддатларда маҳсулотларни қўйиш имконияти йўқлиги ҳақида ахборот тақдим этилмаганда Қўмита ва унинг ҳудудий органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.